МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ—1 МАЙГА!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 84 (5945).

29 АПРЕЛЬ

ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ! КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ҚУНТ БИЛАН КУРАШИНГИЗ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ЭРИШИНГИЗ! ЕРДАН, ТЕХНИКАДАН, УҒИТДАН, БАРЧА МОДДИЙ РЕСУРСЛАРДАН ЯХШИРОҚ ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

Уч йиллик план бажарилди

УЧ йиллик план бажарилди! Беш йиллик мобайнида иккита беш йиллик топшириқни бажариш учун республика меҳнаткашлари ҳаракати ташаббускорларидан бири, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатнинг ишчиси Зоя Ивановна ПОБЕДИНСКАЯ ана шундай муваффақиятга эришди. У нормадаги саккизта машина ўрнига 14 та машинада ишлаб, 1979 йилнинг январь ойи ҳисобига мақсулот топшира бошлади.

Коммунист З. Побединская топшириқларни ҳамиша ортиғи билан бажаради. У чиқараётган маҳсулотнинг ҳаммаси нуқул биринчи тақдимдаёқ қабул қилиб олинмоқда. Ўз ишининг устаси Зоя Ивановна ўзининг маҳоратини ёшларга бажонидил ўргатади. У иш ўргатар экан. энг муҳими иш вақтининг ҳар бир минутидан фойдаланишдир, деб таъкидлайди. «Вақтни тежаш, дейди у,— техниканн аъло даражада билиш, унинг бузилишига йўл қўймаслик, машинанинг атрофини айланиб чиқишни аниқ ҳисобга олиш демакдир. Шундай бўлишига қарамай, бирор носозлик рўй берса, уни ишчининг ўзи тузата билиши, тез ва аниқ ҳаракат қилиши керак».

З. Побединская Ўзбекистондаги 14 донгдор ишчи қаторида йил бошида қабул қилган социалистик мажбуриятини қайта кўриб чиқди. Эндиликда у ўниничи беш йилликда ўн йиллик эмас, ўн бир йиллик топшириқни бажаришни мўлжаллаб турибди.

Чирчиқ.

[ЎзТАГ мухбири].

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ ЧОП ЭТДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети секретари М. В. Зимяниннинг «Ленинизм — давримизнинг революцион байроғи» доклади текстини китобча қилиб чоп этди. М. В. Зимянин В. И. Ленин туғилган кунининг 107 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда доклад қилган эди.

* * *

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети секретари ўрток К. У. Черненконинг «Партия ва давлатнинг иш услубини ижодий ривожлантиришнинг баъзи масалалари» номли китобчасини нашр этди. Китобчада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинча иш услубини ижодий ривожлантираётганлиги ва тинмай такомиллаштираётганлиги, коммунистик қурилиш практикасидан келиб чиқадиган назарий қоидалар билан бойитаётганлиги батафсил баён этилган.

Китобчада КПССнинг партия XXV съезди ички ва ташқи сиёсат борасида белгилаб берган вазифаларни бажариш йўлидаги кўп қиррали фаолияти тўғрисида конкрет мисоллар келтирилган, партия ҳамда давлат ишининг барча ижтимоий жараёнларга илмий ёндошишдан иборат ленинча нормалари ҳамда принципларига изчиллик билан риоя қилинаётганлиги кўрсатилган.

(ТАСС).

ОЛТМИШ ЦЕНТНЕРЧИ ТАШАББУСКОРЛАР ДАЛАСИДА

«ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ 60 ЦЕНТНЕРГА ЕТКАЗАМИЗ, БЕШ ЙИЛЛИКНИ УЧ ЙИЛДА БАЖАРАМИЗ».

(Бригада аҳлининг социалистик мажбуриятидан).

КОЛХОЗНИНГ гўзал ва шинам марказий посёлкасидан бошланган кафтдек текис асфальт йўл тўппа-тўғри дала шийпонига бориб таҳалади. Йўлнинг икки чеккаси бора-боргунча бир текис тут дарахтлари билан қопланган. Яшнаб турган шапалоқдек-шапалоқдек бўлиқ ва қалин барглар кўзни қувонтиради. Ариқларда сув тўла. Карталарга тараланган чигит сувининг оқавалари шу ариқларга буриб қўйилган.

ШИЙПОНДА навбатчидан бошқа ҳеч ким йўқ. Рўпарадаги картада ҳам одамлар кўринмайди. Ҳамроҳимиз — колхоз партия ташкилотининг секретари Абдулазиз Утамалиев қўлини пешонасига соябон қилиб атрофга аланглайди, ажабланиб елка қисади.

— Сувдан кейин чигитлар кўриниб қопти, лекин одамларнинг кўринмаслиги қизиқ, — ҳазиллашади у навбатчига юзланиб.

— Ҳамма этакдаги картага тўпланган, — дейди навбатчи шошилиб. — Бугун шу сўнгги картага чигит суви тараляпти. Анатолий ҳам ўша ерда бўлиши керак.

Анатолий Кан шу бригадага бошлиқ. Еш бўлса-да, пахтачилик илмини пухта эгаллаганлардан. Аввалари ҳосилдорлик бўйича колхозда, сўнг районда пешқадам ҳисобланган бўлса, кейинчалик областда машъал бўлди. Мана энди унинг номи бутун республикага машҳур. Ўтган йили довруғи яна довон ошди. «СССР Олий Советининг депутати Анатолий Кан бошлиқ бригада азаматлари ҳосилдорликни 57,1 центнерга етказишди», деган сўзлар катта-кичик йиғинларда кўп марта такрорланди.

Бригаданинг этакдаги картасига йўл олар эканмиз, партком секретари бригада бошлиғини таърифлаб берди.

— Ўзи жуда кам гап, аммо айтган сўзининг устидан чиқмагунча тиниб-тинчимайди. «Ҳурмат белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари. қўша-қўша медаль ва фахрий ёрлиқлари бор. «Булар бизга аванс сифатида берилган, уни оқлаш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз керак», — дейди. Маррамиз қўша-қўша орденларга яраша бўлсин деб, мажбуриятни 60 центнер юзасидан олди.

— Коллективига ишонган-да.

— Бўлмасам-чи. Бригадирнинг бир ўзи мажбурият олармиди. Баҳамжиҳат маслаҳатлашишган, ҳар бир имкониятни тарозига солишган, кейин шу қарорга келишган-да. Э, нимасини айтасиз, улар жуда аҳил.

— Ҳар йили ваъдага вафо қилиб, юзлари ёруғ бўлаётир...

— Бу йил ҳам худди шундай бўлади, шубҳага ўрин йўқ. Ҳаракатларидан ҳам кўриниб турипти. Чигитни уч кунда экиб бўлишди. Бир кунда 20 гектар ерни қўлдан чиқаришнинг ўзи бўлмайди, ахир.

Сувчиларини айтмайсизми. Уч сменада ишлашди. Шийпонда уч маҳал қозон қайнаб турди. Бригадирнинг ўзи сувчиларнинг иш ҳақини бироз оширишимизни илтимос қилиб туриб олди. Йўқ демадик. Чунки кечасию кундузи меҳнат қилгандан кейин иш ҳақи ҳам шунга яраша бўлсинда, дедик.

— Бу аҳволда пахтанинг таннархи...

— Э, йўқ. Ҳозир ортиқча серфланган бир сўм пул кузда хирмон кўтарилганда ўн сўм бўлиб қайтишини улар яхши билишади. Зотан, моддий манфаатдорлик ошгандан сўнг масъулият ҳам шунга яраша бўлади. Ҳар бир иш сифатли бажарилади, демак ҳосилдорлик анча ошади. Буёғи эса ўзингизга равшан.

...Этакдаги картада ҳақиқатан ҳам иш авжида экан. Сувчиларнинг ҳаммаси шу ерда. Уларнинг бир группаси ариқ бўйидаги тутлар салқинида қизғин суҳбатга берилишган. Уч-тўрт суачи қўлида кетмон билан карта оралаб юрибди. Оддий колхозчилар карта четларидаги алмакларни тўғрилашмоқда.

Бригадирни топа олмадик, колхознинг ҳосилоти билан бирга қирдаги пахтадан хабар олгани кетибди. Бешхитёр сувчиларнинг суҳбатига қўшилдик. Бригаданинг энг тажрибали сувчиси Абдуаким Сауров куйиб-пишиб сўзлайди:

— Пахта шундай экинки, хатто кузданги тадбирларнинг бирортаси ноўрин ўтказилган бўлса, унинг қусури ўсиш даврида дарҳол сезилади. Мана, бу йил чигитни ундириб олишда ўтган йилдагига нисбатан кўнглимиз тўлмади. Чунки биринчи кун чигит экилган карталарда ниҳоллар бирин-кетин униб чиқа бошлагандан сўнг сув бердик. Ниҳоллар бироз бўлсада олдинма кейин бўлиб қолди. Уларни тез орада бараварлаштириб олмасак, кузга бориб кўп нарса ютқазишимиз мумкин.

Эрмак Раимқулов ҳамкасбининг сўзини бўлди:

— Буёғи Петр билан Ильянинг маҳоратига боғлиқ. Культивацияни меёрида ўтказишса, бир текис озиқлантиришса, Шунинг учун мусобақадошлар ҳузурида тез-тез бўлиб, уларнинг ишидан хабар олади, камчиликларини кўрсатиб, йўл-йўриқлар беради.

Партком секретарининг айтганича бор экан. Анатолий сермулоҳаза, кўп ўйлаб оз, аммо лўнда сўзлайдиган йигит экан. У планлаштириб қўйилган навбатдаги ишлар тафсилотини уч-тўрт оғиз сўз билан тушунтириб берди.

— Об-ҳаводан ҳеч қачон мурувват кутган эмасмиз. Бу йил ҳам нолимаймиз. Ҳаммаси ўзимизнинг ҳаракатимизга боғлиқ. Фурсатни тўғри белгилаб сув берсак, озиқлантирсак, культивацияни кечиктирмасак, мўлжалдаги ҳосилни олаверамиз.

Бу йил айрим карталарга шарбат суви оқизишни мўлжаллаб турибмиз. Ҳозир маҳаллий ўғит жамғаряпмиз. Бу усул ҳар бир сувдан сўнг намни тупроқда кўпроқ саклаб туришга ва ернинг доим пўрсилдоқ бўлишига ёрдам беради.

Ўтган йили кўсак қурти ва бошқа зараркунандалар кўпайиб кетиб, ҳосилнинг бир қисмини нобуд қилди. Бу йил доғда қолмаслик учун шу соҳада тажрибаси бўлган махсус бир кишини ҳозирданоқ белгилаб қўйдик. У ўсиш даврида ҳар куни карта оралаб, гўзаларни кузатиб боради. Агар бирор картада зараркунанда пайдо бўлганлиги аниқланса, дарҳол уни қуритиш ҳаракатини қиламиз.

Ўтган йили чеканкани механизация ёрдамида ўтказишни синаб кўрган эдик, натижа яхши бўлди. Бу йил қўл кучи ишлатмай, ҳамма гўзани машинада чеканка қиламиз. Пахтанинг ҳам ҳаммасини механик-ҳайдовчиларимиз Петр Ким билан Илья Енлар ўз машиналарида териб беришади.

...Биз ташаббускор бригада даласида бўлиб, азим ишларга қўл ураётган аҳил, иноқ коллектив аъзоларининг ютуқ ва ташвишлари, эзгу орзу-истаклари билан чуқур танишдик. Уларнинг ишлари пухта, режалари аниқ. Энг асосийси эса, кайфиятлари тетик. Ҳадемай қўлга киритилажак меҳнат ғалабасига чексиз ишонч руҳи билан қарамоқдалар.

А. ЙУЛДОШЕВ.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози.

(РЕПОРТАЖ)

ЧИНОЗ районн хўжаликларида чигит сувн бериб бир текис ундириб олинган ниҳолларга дастлабки ишлов бериш қизғин давом эттирилмоқда. Айниқса, Карл Маркс номли колхоз пахтакорлари агротехник ишловни ҳар томонлама сифатли ва тез суръатларда олиб бормоқдалар. Хўжаликнинг тажрибали механизатори Турдимурод Абдураҳмонов кунлик нормасини 1,5 ҳиссадан ошириб адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатаётир.

А. Абалян фотолари.

19 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

28 АПРЕЛЬ куни Тошкентда меҳнаткашлар депутатлари область Советига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясининг биринчи кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашни комиссия раиси — область касаба союзлари совети раиси А. В. Браилов очди.

Область сайлов комиссияси область ижроия комитетининг ташкилий инструкторлик бўлими мудири А. М. Мансуровнинг область маҳаллий Советларига сайлов ўтказиш бўйича тайёргарлигининг бориши ҳақидаги ахборотини тингланди.

Тошкент областида меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказиш бўйича 12367 сайлов округи ташкил этилди. Бу ўтган сайловлардагидан 227 округ кўп демакдир. Ана шу кўрсаткич область экономикаси ва маданиятининг ўсганлигини кўрсатувчи ёркин мисолдир. Ўтган икки йил ичида картада областга бўйсунувчи Охангарон, районга бўйсунувчи Келес шаҳарлари, Тошкент райони, 5 қишлоқ ва бир посёлка вужудга келди.

Область ижроия комитетининг бўлимлари ва бошқармалари, область маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари сайловларга ташкилий-техникавий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан тайёргарлик бўйича тадбирлар ишлаб чиқдилар. Китоб магазинларига, муассасаларга Ўзбекистон ССР Конституцияси текстлари ёзилган брошюралар, маҳаллий Советларга сайловлар тўғрисидаги низомлар, Советлар ҳақидаги қонунлар ва бошқа адабиётлар юборилди.

Сайлов округлари рўйхатлари, шаҳарлар ва районлар сайлов комиссияларининг составн ўз вактида ва белгиланган муддатларда тасдиқланди. Жамоат ташкилотлари округ сайлов комиссиялари составини кўрсатишни якунламоқдалар. Область сайлов комиссиясининг 28 апрелда бўлиб ўтган шу биринчи кенгашида иш плани тасдиқланди ва комисия аъзоларининг бурчлари белгилаб олинди.

* * *

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссиясидан:

Меҳнаткашлар депутатлари ўн олтинчи чакирик Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссияси: Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51, 11-хона адреси бўйича жойлашган. Телефон: 33-81-25.

МУСОБАҚАДОШ ЦЕХЛАР

Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва давлат планларини бажаришда социалистик мусобақа муҳим роль ўйнайди. Буни яхши тушунган «Таштекстильмаш» заводи ишчи-хизматчилари бу борада диққатга сазовор ишларни амалга ошираяптилар. Коллектив социалистик мусобақанинг тўғри йўлга қўйилиши ҳар томонлама яхши самара беришини бир неча марта ўз тажрибасида синаб кўрган. Шунинг учун ҳам цех, смена ва бригадалар ўзаро мусобақа шартномаларида қайд қилинган вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқдалар. Бу борада ўзаро мусобақадош кенг истеъмол буюмлари ва асбобсозлик цехлари иши диққатга сазовордир.

Кенг истеъмол буюмлари цехида асосан хўжалик буюмлари ҳамда тўқимачилик машиналари учун тайёрланадиган эҳтиёт қисмлар, деталлар ва машиналар ясашда бевосита ишлатиладиган мурватлар ишлаб чиқариш ҳажми бир мунча оширилди. Бу эса январь ойи планини 103, февраль ойи планини эса 115 процентга етказиб бажариш имконини берди. Март ойи топшириғи ҳам дуруст бажарилди.

— Дастлабки ютуқларимизни зиммамизга олган социалистик мажбуриятларни бажариш йўлидаги биринчи қадамимиз дейиш мумкин, — дейди цех бошлиғи Турсун Боймуродов.— Бундан буён олдимизда янада масъулиятли вазифалар турипти. Кўплаб ишчи-хизматчиларимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат ғалабаларини қўлга киритган ҳолда байрам қилиш иштиёқидадирлар. Ҳеч шубҳа йўқки, улар бу вазифани муваффақиятли бажарадилар. Бу эса ўз навбатида коллектив кўрсаткичининг янада юксалишига олиб келади.

Цех коллективининг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари кундан-кунга ошиб бораётган экан, бунда мусобақадош асбобсозлик цехи меҳнаткашларининг ҳам хизмати катта. Ҳар икки коллектив аъзолари тез-тез учрашиб, илғор тажрибаларни ўртоқлашадилар. ишлаб чиқаришдаги янги прогрессив жараёнларни ўрганиб ўз коллективларида оммалаштирадилар. Бу эса ҳар икки мусобақадош цехнинг яхши натижаларга эришишини таъминлайди.

— Коллективимизда илғор тажрибаларни ўзлаштириш, мусобақадош цех аъзоларига бевосита ёрдам кўрсатишдек ўзаро ҳамжиҳатлик туйғуси жуда кучли,— дейди асбобсозлик цехи партия ташкилотининг секретари Мусурмон Қулибоев. — Жумладан, коллективимиз илғор тажрибаларни кенг йиғиш ҳисобига январь ойи планини 110,6, февраль планини 109,7, март ойи топшириғини эса 112,3 процент адо этди.

Коллективнинг ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришаётгани бежиз эмас. Корхонанинг олтн илғор ишчиси «Ўнлар ташаббуси»га қўшилган бўлиб, шулардан бири М. Қулибоевдир. У беш йилликда ўн йиллик шахсий топшириғини бажаришга сўз берган. Токарь В. Клиппнин ҳам ўнлар ташаббуси издошларидан. Коллективнинг бу икки пешқадами Улуғ Октябрь байрами кунигача уч ярим йиллик топшириқларини бажаришмоқчи. Цехнинг 40 ишчиси беш йилликни муддатидан илгари адо этиш мажбуриятини олган эди. Яқинда яна йигирма нафар асбобсоз янги ошириллган мажбуриятлар олиб, шонли Октябрь байрами кунигача икки ярим йиллик топшириқларни бажаришга ваъда бердилар. Сайқалловчилардан Суннат Умаров, Йигиталн Бобоев, фрезерчи Миралн Содиқов, Александр Елисеев сингари ишчилар шулар жумласиндир. Бу социалистик мусобақа пешқадамлари айни кунларда 1978 йил ҳисобига меҳнат қилишаяпти.

— Мусобақанинг ҳар бир пунктини бажариш янги-янги резервларни излаб топиш ва уларни ишга солишни талаб қилади,— дейди М. Қулибоев.— Бу эса социалистик мусобақанинг таъсирчанлик кучини ошириш билан бирга асосий мақсад —ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришиш имконини беради.

М. МИРАЛИМОВ.



ТОШКЕНТ. «Ўзглавлес пром»га қарашли дурадгорлик буюмлари заводи коллективи шу йилнинг биринчи кварталида 90 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарди. Булар эшик ва дераза кесаклари, пол ва плинтус тахталаридир. Суратда: кор хонанинг пешқадам ишчиси, завод партия бюросининг аъзоси Ўлмас Баҳромов иш устида. А. Порриваев фотоси. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ШАҲАР ВА РАЙОН СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР ВА РАЙОНЛАР САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, район, посёлка, қишлоқ ва овул Советларига сайлов тўғрисида Низом»нинг 36, 44-моддаларига мувофиқ область ижроия комитети **қарор қилади:**

область шаҳарлари ва районлари сайлов комиссиялари меҳнаткашлар жамоат ташкилотлари ҳамда жамиятларининг қуйидаги вакилларидан иборат составда тасдиқлансин:

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА:

Комиссия раиси **Йўлдошева** Саодат Жалиловна — Ўзбекистон КП район комитетининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Исроилов** Убайдулла — район ижроия комитетининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия секретари **Юсупов** Холидбой — «Ленинобод» колхози аъзоларидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Қодирова Сарвар — Ҳамид Олимжон номли колхоз аъзоларидан.

Османова Зера — С. Сегизбоев номли пахтачилик совхози касаба союз ташкилотидан.

Пўлатов Турсунали — «Партия XXII съезди» колхози аъзоларидан.

Дибердиева Римма Юсуповна — Ломоносов номли 11-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Байрамова Светлана Григорьевна — тўқимачилик галантерея фабрикасининг ишчи ва хизматчиларидан.

Қурбонова Бахри — район марказий касалхонасининг медицина ходимларидан.

ОҲАНГАРОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Қаршибоева** Ширинной Пиримқуловна — Ўзбекистон КП район комитетининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Сергеев** Юрий Александрович — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи Эйвали қурилиш материаллари ва конструкцияси комбинати ташкилотидан.

Комиссия секретари **Давронова** Маҳбуба — 16-мактаб ходимларидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Султонқулов Суярқул — «Оҳангарон» совхози ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчиларидан.

Давлатов Йўлдош — «Ангрен» совхози ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчиларидан.

Исарқулов Қаршибой Тургунович — «Олмалиқ» совхози касаба союз ташкилотидан.

Волганбоева Хадича — «Ғаллақудуқ» совхозининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан ва хизматчиларидан.

Собиров Исомиддин — Инқилоб қишлоқ Совети ижроия комитетининг ходимларидан.

Раҳмонова Турди — «Тошкент от заводи» совхозининг касаба союз ташкилотидан.

БЕКОБОД РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Абдувоҳидов** Качкун Насриддинович — район халқ маорифи бўлими ходимларидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Тожибоева** Замира — район комсомол комитети ходимларидан.

Комиссия секретари **Гаврюшина** Нина Петровна — меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг ходимларидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Каримова Тожиниса — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи Ленин номли колхоз ташкилотидан.

Сувонов Тўлибек — район маданият бўлими ходимларидан.

Умрзоқова Ортиқ — Дзержинский номли колхоз колхозчиларидан.

Умурқулов Хидирали — 1-«Далварзин» совхозининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчиларидан.

Аҳмадалиев Омонбой — 10-механизациялашган кўчма колонна ишчилари, мутахассисларидан.

Фирсова Раиса Павловна — Ўзбекистон КП район комитетининг ходимларидан.

БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Мирқомилов** Тўлқин Мирқодирович — район коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Абрамова** Евгения Дмитриевна — район маданият бўлими коммунистик ташкилотидан.

Комиссия секретари **Рясова** Лидия Александровна — Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзи район ташкилотидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Азизов Илҳом — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози ташкилотидан.

Тупаева Жиянгул — «Қизил Ту» колхозининг коммунистик ташкилотидан.

Тасибеков Болтабой — «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг касаба союз ташкилотидан.

Пушина Клара Михайловна — «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг 11-автобазаси касаба союз ташкилотидан.

Демянюк Людмила Александровна — Ғазалкент консерва заводи ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимларидан.

Сотилов Рихсибой — маҳаллий саноат корхонаси ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари.

БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Абдуллаев** Арслон Эшмуҳамедович — район коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Дадабоева** Дилбар — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи «Партия XIX съезди» колхози ташкилотидан.

Комиссия секретари **Иноможонов** Собиржон Икромович — район халқ маорифи бўлими ходимларидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Менглибоев Абдухалил — «Партия XX съезди» колхозининг аъзоларидан.

Турсунхўжаева Санобар — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзининг район ташкилотидан.

Худойбердиев Даврон — Бўка пахта заводининг касаба союз ташкилотидан.

Короткова Александра Ивановна — «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг аъзоларидан.

Ҳайдарова Лутфи — Ҳамза номли колхоз аъзоларидан.

Кодирова Гулханом — «Кўкорол» совхозининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчиларидан.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Буков** Павел Петрович — район молия бўлимининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Темиров** Юрко Александрович — Ўзбекистон КП район комитетининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия секретари **Бозорқулова** Айтгул — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи «Политотдел» колхозининг ташкилотидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Муҳиддинова Мунира Габбасовна — район Совети ижроия комитетининг ходимларидан.

Шомирсодиқова Ёдгор — Янгибозор луб заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Абдураҳмонова Холида — район ижроия комитетининг ходимларидан.

Ли Анатолий Хак — Гвонович — «Правда» колхозининг аъзоларидан.

Номозов Холдор — «Коммуна» колхозининг аъзоларидан.

Ибоева Париз — «Гулистон» колхозининг аъзоларидан.

КАЛИНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Дўсканаев** Ғиёс — район коммунистик ташкилотидан .

Комиссия раисининг ўринбосари **Жалилова** Малика — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи район ташкилотидан.

Комиссия секретари **Умаров** Мухтор — район халқ маорифи бўлимининг ходимларидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Копилова Лидия Петровна — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи геология экспедицияси ташкилотидан.

Эрматова Жамила Абдухакимовна — «Қорасув» совхозининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчиларидан.

Ғуломова Дилбар — Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзи алоқа бўлими ташкилотидан.

Қаюмов Жалил — Калинин номли колхоз аъзоларидан.

Сиротина Людмила Андреевна — ремонт механика заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Хусанов Камол — «Партия XX съезди» колхозининг коммунистик ташкилотидан.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Раимқулов** Мустафо — меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Отабеков** Маҳкам — Ўзбекистон КП район комитетининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия секретари **Чен** Валентина Сергеевна — Энгельс номли колхоз аъзоларидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Ҳайдарова Санғалат — район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг ходимларидан.

Тишенко Валентина Григорьевна — Киров номли колхоз аъзоларидан.

Тарасова Тамара Павловна — Қўрғонча луб заводининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимларидан.

Мевлюдова Зера Шевкетовна — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи Калинин номли 33-мактаб ташкилотидан.

Абдуғаффоров Мақсуд — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи «Коммунизм» совхози ташкилотидан.

Абдуллаев Абдусаттор — Свердлов номли колхоз аъзоларидан.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Тошматов** Абдуқаюм Эргашевич — меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Турсунов** Абдулазиз Эрматович — район молия бўлими касаба союз ташкилотидан.

Комиссия секретари **Серебрякова** Любовь Михайловна — район давлат банки ва омонат кассасининг коммунистик ташкилотидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Жуманазаров Ориф — «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзоларидан.

Сандаҳмедова Феруза — «Коммунист» колхозининг аъзоларидан.

Каримова Мухайё — «Правда» колхозининг аъзоларидан.

Ханбиков Ибрагим Салоҳутдинович — район ахборот-ҳисоблаш марказининг коммунистик ташкилотидан.

Мирзаахмедова Санобар — Ленин номли колхоз аъзоларидан.

Мироднлова Мавжуда — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи «Хозбитизделий» фабрикаси ташкилотидан.

ПИСКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Муллажонов** Жамаджон — район халқ маорифи бўлими коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Раимжонов** Ғуломназар — 1-«Пискент» совхозининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия секретари **Сидорская** Мария Яковлевна — район алоқа бўлими ходимларидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Сардоров Испахон — Охунбобоев номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Алиева Муҳаббат Алиевна — Ленин номли 2-мактаб ходимларидан.

Ким Татьяна — район касалхонасининг медицина ходимлари касаба союз ташкилотидан.

Усмонов Халил — 2-«Пискент» совхозининг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва хизматчиларидан.

Асраева Ҳукми — пахта тозалаш заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Эшматова Бурайҳон Абдувалиевна — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи Свердлов номли колхоз ташкилотидан.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Жумақулов** Энгельс Султонович — тикувчилик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Пирназарова** Саноат Мусабековна — район алоқа бўлими касаба союз ташкилотидан.

Комиссия секретари **Голубева** Лидия Петровна — район коммунистик ташкилотидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Шамсутдинова Нозима — Энгельс номли колхоз аъзоларидан.

Шчеголев Виктор Иванович — колхозлараро қурилиш бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Вервекина Зинаида Андреевна — 1-мактаб ходимларидан.

Пошалиев Кучали — «Партия XXII съезди» колхозининг коммунистик ташкилотидан.

Турсунбоева Мавлуда — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи тикувчилик фабрикаси ташкилотидан.

Бексаева Алла Дмитриевна — Тўйтепа металл конструкциялари заводининг коммунистик ташкилотидан.

ТОШКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Эргашев** Бўстон Достонович — Ўзбекистон КП район комитети аппаратининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Эгамбердиев** Тўлқин Раҳимович — маданият ходимлари район касаба союз ташкилотидан.

Комиссия секретари **Шерстнева** Римма Ивановна — район матлубот жамияти ходимларидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Охунова Рашида — Ўзбекистон ленинчи Коммунистик ёшлар союзи Охунбобоев номли колхоз ташкилотидан.

Ниёзова Насиба — район маиший хизмат кўрсатиш комбинати касаба союз ташкилотидан.

Ҳожиева Мавжуда — «Ленин йўли» колхоз касаба союз ташкилотидан.

Орифжонова Ойниса — Келес йўл-ремонт қурилиш бошқармаси ишчи ва хизматчиларидан.

Шакуров Абдулла — 7-ғишт заводи бошқармасининг касаба союз ташкилотидан.

Ҳамдамов Баҳодир — район Совети ижроия комитетининг коммунистик ташкилотидан.

ЧИНОЗ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Аҳмедов** Ғофуржон — меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Никитина** Нина Васильевна — Олмазордаги 5-автомобиль ремонти заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Комиссия секретари **Миргиязов** Ринат Фозилович — давлат ташкилотлари ходимлари район касаба союз ташкилотидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Ҳолмирзаева Райҳон — С. Раҳимов номли колхоз аъзоларидан.

Мирсагатов Рихсибой — пахта тозалаш заводи касаба союз ташкилотидан.

Зокиров Тошпўлат Зокирович — район марказий касалхонасининг коммунистик ташкилотидан.

Камолова Парпи — «Қизил Октябрь» колхозининг аъзоларидан.

Кокорова Надежда Ефимовна — 2-мактаб ходимларидан.

Қорабоева Рисолат — Навоий номли колхоз аъзоларидан.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Комиссия раиси **Емелин** Сергей Фёдорович — меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг коммунистик ташкилотидан.

Комиссия раисининг ўринбосари **Кашченко** Александр Иванович — район коммунистик ташкилотидан.

Комиссия секретари **Изетова** Октябрина Османовна — меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг касаба союз ташкилотидан.

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

Фозилова Тўхтасин Аҳмеджоновна — Ўзбекистон ленинчи коммунистик ёшлар союзи район маиший хизмат кўрсатиш комбинати ташкилотидан.

Ҳамробекова Тожи — Калинин номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

Жалилова Мунаввар — Ленин номли колхоз аъзоларидан.

Мавлудов Жаббор — «Интернационал» колхозининг аъзоларидан.

Юнусова Осиё Ҳамроевна — 17-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Ерматов Мирза — У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва хизматчиларидан.

Тошкент область ижроия комитетининг раиси:

П. ЮСУПОВ.

Тошкент область ижроия комитетининг секретари

А. НАЗАРОВ.

1977 йил, 26 апрель.

Тошкент шаҳри.

Х А Л Қ ЭҲТИЁЖИ УЧУН

Кенг истеъмол буюмларини кўплаб ишлаб чиқариш, уларнинг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан партия ва ҳукуматимиз қабул қилган қарорларга амалий иш билан жавоб бераётган «Миконд» заводи ишчи-хизматчилари бу борада сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Айниқса, кенг истеъмол буюмлари цехи коллективининг иши диққатга сазовордир.

Октябрь юбилейи йилининг дастлабки кунларидаёқ коллективда шонли санани муносиб кутиб олиш бўйича мусобақа кенг қулоч ёйдирилди. Натижада биллур ва рангли шишалардан буюмлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 25 процент ошди. Бундан ташқари маҳсулотлар ассортименти ҳам кўпайтирилди. Шу йилдан бошлаб яна ўн хил янги буюмлар тайёрлашга киришилди.

Бу йил коллектив аъзолари юксак марраларни белгилашган. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўйини муносиб тўёна билан кутиб олиш юзасидан бораётган меҳнат беллашувида илғорлар намуна бўлишяпти. Жумладан М. Мирзаев, А. Елисеев, А. Нуриддинов, У. Тошмуҳамедова сингари пешқадамлар айни пайтда 1978 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот топширишяпти.

Цех коллективи ҳам ойлик планларини барвақт бажаряпти. Шу сабабли I квартал плани 105 процент адо этилди. Бу эса коллектив олдида турган вазифа —1977 йилда муқобил план бўйича қўшимча 300 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш мажбуриятининг бажарилишидан далолат беряпти.

С. СУЛТОНОВ.

ТОШКЕНТДАГИ газ аппаратлари заводида уч камфорали янги газ плиталари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Суратда: пешқадам йигувчи слесарь Ольга Большебородова янги плитани йиғмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОШКЕНТ—ИВАНОВО

ДЎСТЛАР МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

ТОШКЕНТ ВА ИВАНОВО ОБЛАСТЛАРИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1977 ЙИЛ I КВАРТАЛИДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

САНОАТ		
Реализация планининг бажарилиш процента	102,8	101,1
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот—миллион сўмлик	33,4	15,3
Реализация планини бажармаган корхоналар сони	11	25
Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	101,2	99,6
Меҳнат унумдорлигини ортиши — процент ҳисобида	104,4	101,7
Меҳнат унумдорлигини ошириш планини бажармаган корхоналар—процент ҳисобида	13,4	22,3
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш процента	96,5	99,2
Барча турдаги газламаларни ишлаб чиқариш — миллион пагон метр	49,2	567,1
Газламалар ишлаб чиқариш планининг бажарилиш процента	100,3	98,7
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ		
Барча категориядаги хўжаликларда биринчи кварталда асосий чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш ҳажмининг бажарилиш процента:		
чорва ва парранда	111,5	8[illegible]
сут	109,2	104
тухум	149,4	122
1977 йилнинг биринчи кварталида колхоз-совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорва маҳсулдорлиги: чорва ва парранда асосий турларини тирик вазнда ғўштга топшириш — минг тонна	8,8	119,3
1977 йилнинг биринчи кварталида 1976 йилнинг биринчи кварталига нисбатан — процент ҳисобида	101,6	84
Соғиб олинган жами сут — минг тонна	29,4	79,2
1977 йилнинг биринчи кварталида 1976 йилнинг биринчи кварталига нисбатан—процент ҳисобида	105,5	106
Товуқ тухуми етиштириш — миллион дона	55,4	72,7
1977 йилнинг биринчи кварталида 1976 йилнинг биринчи кварталига нисбатан—процент ҳисобида	129,1	124
Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори — килограмм	711	520
1977 йилнинг биринчи кварталида 1976 йилнинг биринчи кварталига нисбатан процент ҳисобида	102,6	102
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори — дона	44	56
1977 йилнинг биринчи кварталида 1976 йилнинг биринчи кварталига нисбатан процент ҳисобида	102,3	93
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШИ		
Капитал маблағ сарфлаш планнинг бажарилиш процента	88	87
Қурилиш-монтаж ишлари	92	81
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш	87	86
ТОВАР ОБОРОТИ		
Давлат ва кооператив савдосн товар оборотининг бажарилиш процента — жами	101,0	99,3
Чакана товар оборота	100,9	99,1
Умумий овқатланиш товар оборота	101,4	100,4
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ		
Маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг бажарилиш процента	101,7	101,0

(Давоми. Боши газетнинг 28 апрель сонида).

А М У С О Ҳ И Л И Д А Т Е А Т Р Б А Й Р А М И

НУКУС, 27 апрель. (ЎзТАГ). К. С. Станиславский номли Қорақалпоқ давлат музикали драма ва комедия театри ўз тарихининг шонли санаси — театр ташкил этилган кунинг 50 йиллигини нишонлади.

Миллий театрнинг шаклланиши ва ривожланишига рус саҳна усталари актив ёрдам бердилар. Москвадаги А. В. Луначарский номли театр санъати институтида қорақалпоқ артистлари учун студия ташкил этилди. Қорақалпоқ артистларига О. И. Пижова ва Б. В. Бибиков сингари таниқли педагоглар таълим беришди.

Нукусдаги театр қорақалпоқ томошабинларини жаҳон маданияти хазинаси дурдоналари билан таништирди. Театр саҳнасида В. Шекспирнинг «Отелло», Ж. Мольернинг «Скапеннинг найранглари» ва «Тартюф» асарлари, А. Грибоедов, В. Лермонтов, А. Н. Островский, А. Чехов, М. Горький, И. Франко пьесалари қўйилди.

Театр коллективи И. Поповнинг «Оила», К. Яшиннинг «Йўлчи юлдуз», Қ. Дўсановнинг «Орол денгизи» спектакларини яратиб, совет театр ленинномасига ўз ҳиссасини қўшди.

Театр коллективининг маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссасига Ватан юксак баҳо берди: театр «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди.

Бугун Қорақалпоғистон пойтахтида театр юбилейига бағишлаган тантанали кеча бўлди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов бадиий коллективни, автоном республиканинг барча маданият арбобларини табриклаб, нутқ сўзлади. У йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида бадиий коллективга Ватан мукофоти — «Ҳурмат белгиси» орденини топширди.

Қорақалпоғистон АССР Маданият министри О. Худойбергенов театрнинг ижодий йўли ҳақида доклад қилди.

Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг раиси Д. Ешимбетов театр арбобларига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Қорақалпоғистон Автоном Республикаси Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрликларини ҳамда бир группа саҳна усталарига Қорақалпоғистон АССР Фахрий унвонлари берилганлиги ҳақидаги шаҳодатномаларни топширди.

Ўзбекистонкинг турли областларидан театр санъати намояндалари, Москва ва иттифоқдош республикалардан келган ҳамкор ижодкорлар юбиляр шаънига қутлов сўзлари айтиб самимий табриклар топширдилар (ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» почтасидан

• ОЛИМЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ КАШФИЁТИ

• УРУШ ВЕТЕРАНИГА БАЙРАМ ТОРТИҒИ

• КОММУНИСТИК МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИ

• ЭЛГА ХИЗМАТ—ОЛИЙ ҲИММАТ

Тошхўжа АСИЛХЎЖАЕВ ёш бўлсада, ўз касбини пухта эгаллаган механизаторлардан. У Юқори Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз механизаторлари орасида мунтазам пешқадамлик қилиб келади. Ғалмикор ерларда боғ-роғлар ташкид этишда актив қатнашиб, юбилей йилида ҳам намунали меҳнат қилмоқда.

А. Ахатов фотоси.

БАРГЛАРДАН БЎЁҚЛАР

Ҳозирга келиб уй-жойларни сифатли пардозлашга янада катта эътибор берилмоқда. Пардозлаш ишларининг сифатлилиги аввало ишлатиладиган бўёқлар ва бошқа шу сингари материаллар сифатига боғлиқдир. Фан ва техниканинг тараққий этиши билан пардозлаш материалларининг ҳам янги хилларини яратиш имконияти туғилмоқда.

Илгари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг қурилиш материаллари лабораториясида барглар ва полимерлар асосида смолалар олинган эди. Эндиликда барглардан бўёқлар олиш устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада маълум муваффақиятлар қўлга киритилди, яъни айрим материалларни олишга муяссар бўлинди.

Бу янги пардозлаш материалларини олиш илгари яратилган усулларга асосланади. Фарқи шуки, бунда полимерлар ишлатмасдан туриб ҳам барглар ва бир йиллик ўсимликларни ишлатиб пардозлаш материаллари олиш мумкинлигига асосланган. Илгариги усулда полимерлар ишлатилиши ишнинг актуаллигини маълум даражада сусайтирар эди. Шунинг учун ҳам у ишлар шу вақтгача халқ хўжалигида ўзига тегишли ўрин ололмади, янги яратилган бўёқлар асрлардан бери ишлатилиб келинаётган бўёқлардан тамомила фарқ қилади. Бунинг исботи сифатида маълум бўёқлардаги баъзи бир камчиликларни эслатиб ўтамиз:

Деворлар юзасини илгариги бўёқлар билан бўяш учун аввало девор юзаларини тайёрлаш ва алифлаш керак бўлади;

Бўёқларнинг 15—50 процент таркибини полимерлар ташкил этади;

Илгаридан қўлланилиб келаётган бўёқлар органик эритувчилар билан ишлатилади;

Уларнинг нархи ҳам қимматроқ.

Уй-жойларни пардозлашда ишлатиладиган материаллар қаторига рулонли гулли қоғозлар ҳам киради. Бу материалларда ҳам қатор камчиликлар бор;

қоғоз деворга елим ёрдамида ёпиштирилади;

қоғоз юзаси чангланганда уларни ювиб бўлмайди;

қоғоз об-ҳаво ва қуёш нурлари таъсирида эскийди.

Янги яратилган пардоз материаллари бу камчиликлардан тамомила ҳоли. Улар асосан икки группага бўлинади.

Биринчи хилини тайёрлаш учун барглар, ўтлар ва барча бир йиллик ўсимликлар янчилиб кукун ҳолига келтирилади. Кейин улар ишқор, тўлдирувчи ва ранг берувчи моддалар билан аралаштирилади. Тайёрланган аралашма ғалвирдан ёки

ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА

маҳсус мосламадан ўтказилади. Натижада уй-жойларнинг ички деворларини бўяйдиган бўёқлар ҳосил бўлади. Агар бўёқлар мустаҳкамлигини янада ошириш керак бўлса улар таркибига ҳар хил полимерлар, елимлар қўшиш мумкин.

Иккинчи хил бўёқлар деворларнинг сув тегиши мумкин бўлган жойларида ишлатилади. Уларни тайёрлаш ҳам мураккаб эмас. Бунинг учун барглар, ўтлар, ғўзапоя ва барча бир йиллик ўсимликлар қўлланилади.

Биринчи ва иккинчи хил пардоз бўёқларини тайёрлашда эритувчи вазифасини сув адо этади.

Бу янги хил материаллар пардозлаш ишлари нархини кескин камайтиради. Бундан ташқари, янги материалларни ишлаб чиқариш ва уларни ишлата бошлашнинг бошқа афзалликлари ҳам бор. Жумладан, биринчидан қурилиш материаллари базаси сероб бўлади, иккинчидан, бепоён мамлакатимизда ҳар йили қайта тикланадиган дарахт барглари, ғўзапоя ва барча бошқа бир йиллик ўсимликлар қимматбаҳо хомашёга айланади; учинчидан бу бўёқларни тайёрлашда органик эритувчиларни ишлатмаслик ва ўсимлик чиқиндиларини ёқиб юбормаслик атроф муҳитнинг тоза бўлишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Буни ўқиган ҳар бир газетхонда юқорида кўрсатилган ўсимликларни қандай қилиб тўпланади, деган савол туғилиши табиий. Бизнинг фикримизча, ҳар бир шаҳарда ёки унинг атрофида барглар ва бошқа бир йиллик ўсимликлар учун омборхона ташкил қилиш даркор. «Автодормехбаза» машиналари кузда барча кўча ва ҳовлиларда тўпланган барглар ва ўсимликларни шу омборларга келтириб тўкаверадилар.

Бу ишда аҳоли ёрдамидан ҳам фойдаланиш мумкин. Чунки ҳар бир ҳовлида кузда анча барг, гул шохлари ва бошқа бир йиллик ўсимликларнинг поялари йиғилади. Агар ҳар 40—50 килограмм ўсимлик пояси ва барглар учун 20—25 килограмм бўёқ берилса, бу аҳоли учун ҳам, завод учун ҳам фойдали бўлади. Чунки 40—50 кг барг ёки бошқа ўсимлик поясидан 400—500 килограмм бўёқ ишлаб чиқариш мумкин.

Аҳолиси бир миллион бўлган ҳар бир шаҳарни бу янги бўёқлар билан таъминлаш учун ҳар йили 60—100 тонна чиқиндиларни тўплаш керак бўлар экан.

Колхоз, совхозлар ва ўрмон хўжаликлари баргларни, ўтларни бўёк заводларига сотишлари ёки ўзлари бу янги хил бўёқлардан ишлаб чиқара бошлашлари мумкин.

Бу ишларнинг ҳаммаси хўжаликлар рентабеллигини оширади.

З. УСМОНОВ,
«Узбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта илмий ходими, техника фанлари кандидати.

ҚИШЛОҚҚА МАИШИЙ ХИЗМАТ

ҲАМИША ТАЙЁРМИЗ

СОВЕТ кишилари тобора тўқ ва фаровон турмўш кечираётганликлари туфайли уларнинг маиший хизматга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Бугунги кунда меҳнаткашлар маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг турли хил хизматларидан фойдаланмоқда. Тикиш ва бичиш кўпгина аёлларимизнинг қўлидан келади, лекин кийимларни истеъмолчиларнинг дидига мос қилиб тикиб бериш маиший хизмат кўрсатиш комбинатидаги чеварларнинг қўлидан келиши ҳеч кимга сир эмас.

ПАРТИЯ ва ҳукуматимиз меҳнаткашларимизнинг ўсиб бораётган дидини ҳисобга олиб, маиший хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Яқинда КПСС Марказий Комитетининг «РСФСР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигининг меҳнаткашлар буюртмаларини бажариш сифатини яхшилаш ва хизмат маданиятини ошириш соҳасидаги иши тўғрисида» қарор қабул қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур қарор комбинатимизнинг ишчи хизматчилари йиғилишида муҳокама қилиниб, атрофлича ишлаб чиқилди. Йиғилишда маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Шу кунларда ҳамма маиший хизмат кўрсатиш пунктлари ходимлари ана шу қарор асосида иш олиб боришмоқда. Иш сифатининг яхшиланиши ишимиз самарасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида 42375 аҳолига 305 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатган бўлсак, юбилей йилида 45 минг аҳолига 344 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатишни планлаштириб олганмиз. Бунинг учун шу кунларда бутун имкониятларимизни ишга солиб, меҳнат қилмоқдамиз. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини икки йиллик планимизни бажариш билан кутиб оламиз. Юбилей йилида аҳолига пландан ташқари 15 минг сўмлик маиший хизмат кўрсатамиз.

Алимкент посёлкаси ва унинг атрофидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйи намунали хизмат қилмоқда. Бу ерда расм олиш, сартарошхона, пойафзал ремонт қилиш ва якка буюртмачиларга кийим тикиб берувчи цехлар мавжуд. Чевар Олия Муртазоева Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги кунигача уч йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиқди. Унинг ташаббусини комбинатимиздаги Тамара Пак, Мария Тен каби чеварларимиз ва тунукасозлик цехи усталари ҳам қўллаб-қувватлашди. Улар шу кунларда ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ойлик планларини 140—150 процентга етказиб бажаришмоқда.

Ҳозирги пайтда район аҳолисига йигирмадан ортиқ турли маиший хизмат кўрсатилмоқда. Аҳолига хизмат қилиш турларини янада оширамиз ва сифатини яхшилаймиз.

К. АБДУҒАФУРОВ,
Оққўрғон район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

ТОШКЕНТДАГИ «Олимлар уйи»да ўзига хос мактаб вазифасини ўтаётган бир неча курслар ишлаб турибди. Чет тилларни ўрганиш курси орқали талайгина ёшлар ўз билим ва малакаларини оширдилар.

Бичиш-тикиш машғулотига актив қатнашган чевар аёллар эса ҳозир пойтахтнинг «Қизил тонг» тикувчилик фирмасида фаол меҳнат қилишяпти.

Шунингдек, бу ерда санъат муҳлислари учун ҳам алоҳида курслар ташкил этилган.

М. РАҲИМЖОНОВ.

АНГРЕНДАГИ кўмир разрезининг касаба союзи кутубхонаси хизматидан шахтёрлар мамнун. Ҳозир бу ерда 14 мингдан ортиқ турли адабиётлар бор. Корхонанинг ҳар икки ишчисидан бири маърифат ўчоғининг аъзосидир.

Кутубхоначилар ташаббуси билан махсус альбом тузилди. Унда корхонанинг ибратли ишлари ўз аксини топди. Бу ерда Октябрь революциясининг шонли байрамига бағишланган китоб кўргазмаси ҳам очилди.

Ф. ПЕТРОВ.

ПОЙТАХТИМИЗ институтлари ва техникумларида қизиқарли маданий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтида бўлган студентлар илмий конференциясига ҳам пухта ҳозирлик кўрилди. Докладлар билан чиққан 10 дан ортиқ ижодкор студент республика илмий конференциясига йўлланма олди.

* * *

Янги қад кўтараётган мединклар шаҳарчасида сўлим боғ барпо қилишда Тошкент Давлат медицина институти студентлари фаол қатнашмоқдалар.

* * *

Республикамиз маданият уйлари ва клубларида малака ҳосил қилиш учун Тошкент маданий-оқартув техникуми ўқувчиларидан катта бир группаси яқинда ишлаб чиқариш практикасига йўл олди.

Ў. ИНОМОВ,
С. АҲМЕДОВ,
А. ИСМАТИЛЛАЕВ.

«ЎҚИТУВЧИ» нашриёти тақдим этган «Тикувчилик саноатида меҳнат ва ишлаб чиқариш экономикаси асослари» қўлланмаси шу соҳа мутахассисларига яхши совға бўлди. Унда тикувчилик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий принциплари ҳам ўз ифодасини топди.

Т. ХУЖАЕВ.

ВЕТЕРАНЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

АИНИ шу кунларда шаҳримиз мактабларида касб танлаш ойлиги сўр активлик руҳида ўтказилмоқда. Яқинда Ҳамза районидаги қатор мактаб ўқувчилари бир неча саноат ва қурилиш объектларида бўлиб, иш жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Касб танлаш ойлигининг иккинчи ҳафтаси мобайнида «Ташсельмаш», Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тепловоз депосининг бир қанча меҳнат ветеранлари билан учрашдилар.

Бирлашманинг меҳнат ветеранлари ўқувчиларга меҳнатнинг шарофати ва завод ҳаёти ҳақида сўзлаб бердилар. Айниқса «Ташсельмаш» заводининг илғор ишчилари билан бўлган учрашув ўқувчиларда қизиқарли таассурот қолдирди.

Меҳнат ветеранлари ўқувчиларни мактабни тамомлаб заводда ишлашга таклиф қилдилар.

Ўқувчиларнинг кўпчилиги заводга келиб ишлашга қарор қилдилар.

А. УЗОҚОВ,
Ҳамза районидаги 230-мактаб ўқитувчиси.

КИНОПРОКАТЧИЛАР—ЮБИЛЕЙГА

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

ЭЛ қатори Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олишга аҳд қилган пойтахт области кинопрокат ходимлари ҳам ўзаро мусобақани қизитиб, яхши натижаларни қўлга киритишмоқда.

Томошабинларга намунали хизмат қилиш ҳақида гап кетганда, Чирчиқдаги Навоий номли кинотеатр коллективи амалга ошираётган тадбирлар қувонарлидир. Бу ерда янги фильмни кўришга келган томошабинлар учун барча қулайликлар муҳайё. Сеанс бошланиши олдидан қисқа метражли фильмлар кўрсатилади, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказиб турилади, актёрлар ва роллар мавзуида бўладиган кечалар эса томошабинларга жуда манзур бўляпти. Кўргазма залида тез кунларда экранларга чиқариладиган янги фильмлар билан мунтазам танишириб борилади. Бу ерда шунингдек, турли рассомлар ижодига бағишланган кўргазмалар ҳам ташкил этилиб турилади. Кинотеатрда «Истак яшиги» мавжуд бўлиб, бунга томошабинлар кинотеатр ишини янада яхшилаш ва нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида ўз фикрларини ёзиб қолдиришади.

Навоий номли кинотеатр коллективи Янгийўл шаҳридаги «Победа» кинотеатри коллективи билан мусобақадош. Ойлик ва квартал планларини муттасил ошириб бажариб келаётган бу коллективлар томошабинлар эътиборини қозонмоқда. Чирчиқликлар айниқса ёш томошабинлар ўртасида олиб бораётган тарбиявий ишлар мақтовга лойиқ. Кинотеатр ҳузурида методик кабинет ташкил этилган. Унга Т. Захарова бошчилик қилади. Болалар учун «Патриот» кинолекторийсининг ташкил топиши, «Орлёнок» клубининг мунтазам равишда қизиқарли иш олиб бориши, «Малютка» кўчма кино установкасининг мактабларда ва болалар боғчаларида хизмат қилиши яхши самаралар бермоқда.

Томошабинлар СССР халқ артисти Людмила Касаткина, РСФСР халқ артисти Людмила Хитяева, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Алексей Локтев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ўлмас Алихўжаев, Бахтиёр Ихтиёров ва бошқа санъаткорлар билан ўтказилган учрашувларни узоқ эслашади.

— Мен Александр Алёхинман, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида ишлайман. «Навоий» кинотеатрининг доимий томошабиниман, десам ҳам бўлади. Экранга янги фильм чиқарилса, шу ерда кўраман, негаки, бу ердаги тартиб, томошабинларга муомала, маданий хизмат менга жуда ёқади, — дейди томошабинлардан бири.

Томошабинларга маданий хизмат кўрсатишдаги эришган ютуқлари эвазига областда биринчилар қаторида «Коммунистик меҳнат, коллективи» деган шарафли унвонга муяссар бўлган Навоий кинотеатри коллективи ишидан ўрнак олса арзийди.

М. ИРИСМЕТОВА.
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ЧИГАЛ КАБЕЛДАМИ ЁКИ ТЕЛЕФОН АППАРАТИДА?

ТОШКЕНТ шаҳар телефон тармоқларини соат механизмидек равон ишлашини кўпдан бери орзу қиламиз. Акс ҳолда турли ташкилотларга ҳар куни ўнлаб шикоятлар тушмаган бўларди.

Гапимизнинг исботи учун Чилонзор районида яшовчи абонентлардан сўраб кўрсангиз, улар сизга истаганингизча эътироз билдиришади. Чилонзордан Октябрь массивидаги 468763 рақамли абонентни чақириб кўринг-чи, гаплашиш имконияти борми, йўқми, ўшанда биласиз. Дастлаб жимлик, сўнгра ту-ту бошланади. Қайта номер терасиз. Яна аҳвол шу. Ниҳоят истаган номерингизни бир неча марта терганингизда уланганини ўзингиз ҳам сезмайсиз. Трубкани чақирган кишингиз кўтаради. Ҳамма чигаллик яна қолган еридан бошланади. Трубкада бир неча киши баробар гаплашяпти. Энг ўткир овоз тутувчи аппаратлар ҳам бундай шароитда янглишиб қолиши ҳеч гап эмас.

Қачон бу аҳволга хотима берилади, шунга ҳайронмиз.

Х. КАЗАКОВ,
пенсионер.

Қаҳрамон она Тасбика Мамбеталиевани Қуйи Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда самимий ҳурмат қилишади. У самарали меҳнатлари учун ҳукуматимиз томонидан бир неча орден ва медаллар билан ҳам мукофотланган. Суратда: Т. Мамбеталиева фарзанди билан.

С. Бобожонов фотоси.

Уруш инвалидига енгил машина

УЛУҒ Ватан урушида душманга кўксини қалқон қилиб, она тупроғимиз озодлиги йўлида жанг қилган қаҳрамонлар мана 32 йилдирки, давлатимиз ва халқимиз томонидан эъзозланиб келиняпти.

Тошкент районидаги С. Раҳимов номли колхознинг М. Маъмуров кўчасида истиқомат қилувчи Қодир ота Исроилов ҳам ана шундай кишилардан бири. Қодир ота душман билан жангларда актив қатнашди. У оғир ярадор бўлиб, икки оёғидан ажраб, ғалаба билан тугилиб ўсган қишлоғига қайтиб келди.

Байрам арафасида бу отахон хонадонида қувончли воқеа рўй берди. Қодир ота Исроиловга Улуғ Ватан урушининг биринчи группа инвалидлиги учун давлатимиз томонидан «Запорожец» енгил автомашинаси бепул топширилди.

Т. ЖУРАЕВ.

Карл Маркс қишлоқ Советининг ходими.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

ПОСЁЛКА ОБОД БЎЛАДИ

ОРЖОНИКИДЗЕ район Советининг депутати ўртоқ Г. Мирзалиева редакциямизга хат ёзиб, унда Салор посёлкасини ободонлаштириш ҳақида ўз истак ва мулоҳазаларини ёзган эди.

Шу хат текшириш ва чора кўриш учун область соғлиқни сақлаш бўлимига юборилган эди.

Яқинда область соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Г. Поповдан редакциямиз жавоб олди. Унда айтилишича, посёлкани ободонлаштириш, аҳолига медицина, савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш тадбирлари белгиланган, шунингдек, водопроводлаштириш ишларини амалга ошириш пахта уруғчилиги селекцияси институтининг планига киритилган.

Посёлка аҳолиси билан мажлис ўтказилиб, унда ободончилик ишларини амалга оширишда қилинадиган тадбирлар белгиланган.

«УЙДА... МАГАЗИН»

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 15 январь сонида юқоридаги сарлавҳа билан хабар босилиб, унда Бўка район «Бўка» совхозининг иккинчи бўлимидаги озиқ-овқат магазини мудири Малика Мираевانинг савдо-сотиқда белгиланган тартиб қоидаларини бузаётганлиги танқид қилинган эди.

Яқинда редакция мазкур хабар юзасидан область матлубот жамиятлари союзи правленнеси раиснинг ўринбосари ўртоқ Х. Содиқовдан жавоб олди. Унда айтилишича, хабарда келтирилган фактлар текширишда тасдиқланган. Область матлубот жамиятлари правленнесининг кенгайтирилган мажлисида газетада босилган танқидий хабар ва текшириш материаллари муҳокама этилган. Йиғилишда область савдо ходимлари ўртасида аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Айрим озиқ-овқат маҳсулотларини уйига олиб бориб харидорларга сотганлиги учун магазин мудири М. Мираева ишдан четлатилди.



ТОҒ ГУЛЛАРИ.

В. Портнов фотоси.

Спорт

САФАРДА ЯНА ҒАЛАБА

Футбол мухлислари «Пахтакор» сафарда кетма-кет ғалаба қозонганини кам эслашади. Ўз майдонида ҳужжумкор ўйин кўрсатиб, қаторасига устун келган кезларда ҳам тошкентликлар сафарда анча бўш ўйнашарди. Тўғри, ҳар бир команда учун ўзга майдон муаммоси ҳамон биринчи масала бўлиб турибди. Буни мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган командаларнинг тўртинчи тур ўйинлари яна бир бор исботлади. Ўнта учрашувнинг саккизтаси майдон эгалари ғалабаси билан тугади, бир ўйин дуранг бўлди, фақат битта учрашувдагина меҳмонлар устунликка эришдилар.

Ўнта учрашувда 17 очко олган мезбонлар рақиблар дарвозасига 20 та тўп киритишди. Уч очко олган меҳмонлар ҳисобига эса 9 та гол ёзилди.

«Пахтакор» Пермда маҳаллий «Звезда» командаси билан учрашди. Тошкентликларга ғалаба келтирган ягона тўпни Эркин Воҳидов киритди. Командамизнинг янги ўйинчиси катта футболга Тошкентда йўлланма олган. У мактабни тугатгач, аввалига республика чемпионатида иштирок этди, сўнгра Термизнинг «Автомобилист» командаси составида мастерлар командасида қатнашди. Кейинги кезларда эса Душанбанинг «Помир» командасида ўйнаганди.

«Пахтакор» Пермдаги ғалабадан сўнг 8 очко билан турнирда ягона карвонбоши бўлиб олди. Иккинчи ўринни эгаллаб турган «Помир» Қозонда «Рубин» командасига 1:2 ҳисобида ютқазди. Тўртинчи турнинг бошқа ўйинлари қуйидагича тугади: «Спартак» (М) — «Металлург» — 2:1, «Шинник» — «Кривбасс» — 3:2, «Динамо» (Мн) — «Нистру» — 2:0, «Динамо» (Л) — «Спартак» (И-Ф) — 1:1, «Кузбасс» — «Торпедо» — 3:1, «Уралмаш» — «Колхозчи» — 2:0, «Терек» — «Спартак» (Ор) — 3:2, АСК — «Таврия» — 2:0.

Командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў	Т.	О.
«Пахтакор»	4	8—1	8
«Помир»	4	7—3	6
«Динамо» (Мн)	4	6—2	5
АСК	3	4—1	5
«Терек»	3	5—3	5
«Спартак» (М)	4	7—6	5
«Шиннин»	4	5—4	5
«Кузбасс»	4	7—7	4
«Колхозчи»	4	5—5	4
«Металлург»	4	3—3	4
«Нистру»	4	4—5	4
«Торпедо»	4	4—5	4
«Уралмаш»	4	4—6	4
«Кривбасс»	4	9—10	3
«Спартак» (И-Ф)	4	3—4	3
«Динамо» (Л)	4	4—7	3
«Таврия»	3	1—3	2
«Рубин»	4	3—7	2
«Спартак» (Ор)	3	2—5	0
«Звезда»	4	0—4	0

ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИДА

Бугун волейбол бўйича финалчиларнинг биринчи давра ўйинларига якун ясалади. Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилари сўнгги ўйинларини Ворошиловграднинг «Искра» командаси билан ўтказишади. Чемпионликка даъвогарлар бахсида Москва динамочилари олтин медалларга асосий номзодлардан бири эканликларини яшнрмаяптилар. Кечаги учрашувларгача улар иккинчи ўринни эгаллаб турган Марказий Армия спорт клуби вакилларидан уч очко ўзиб кетишди. Тошкентлик волейболчилар эса Ленинграднинг «Спартак» командасини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, 17 очко билан жадвалда тўртинчи ўринга кўтарилишди.

Финалчиларнинг якунловчи иккинчи давра ўйинлари Москвада бўлиб ўтади.

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

Бугун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети совғини учун қиличбозлик бўйича анъанавий турнирга якун ясалади. Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Грузия ва Ўзбекистон командалари иштирок этаётган турнирда республикамиз спортчилари пешқадам бўлиб туришибди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги «Политотдел» колхозида 200 дан ортиқ агитатор, снёсий ахборотчи ва снёсий ташкилотчи меҳнаткашлар ўртасида катта оммавий-снёсий ишлар олиб борилди. Ўтказилаётган суҳбат ва лекцияларда КПСС XXV съезди қарорлари асосида бажарилиши лозим бўлган вазифалар алоҳида таъкидланмоқда. Суратда: колхоз идеология ходимларидан бир группаси навбатдаги суҳбатни ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда.

И. Душкин ва И. Чернов фотоси. (ЎзТАГ).

«ЧЕБУРАШКА» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тошкент агрегат заводи маданият саройи ҳузурида, кичкинтойлар учун янги клуб очилди. Бу клуб мультипликацион фильмлар туркумининг севимли қаҳрамони «Чебурашка» номи билан аталган. Бу ерда болалар боғчаларида тарбияланувчилар ва мактаблардаги бошланғич синфларнинг ўқувчилари фильмларни томоша қила оладилар, қизиқарли ўйинларни ўрганадилар, янги китоблар билан танишадилар.

Клуб программасида энг яхши суратларни чизиш учун конкурслар, турли тўгаракларда машғулотлар ўтказиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

ТАДҚИҚОТЧИ СТУДЕНТЛАР

ИЛМ-ФАННИНГ бағри кенг. Унга чексиз меҳр қўйиб, машаққатли сўқмоқларидан олға интилган ҳар бир истеъдод эгаси фан ҳазинасидан дурлар теришга муваффақ бўлади. Шу эзгу ниятни йўлига дадил қадам қўйган ёшларимиз озмунча дейсизми!

Ҳали қўлига диплом олмай туриб, студентлик йилларидаёқ жиддий тадқиқотларга қўл урган йигит-қизларни ҳар бир олий ўқув юртида кўплаб учратамиз. Уларнинг илмий-тадқиқотчилик ишлари кўлами эндиликда кенгайиб кетди.

Ижодкор студентлар билан яқиндан иш олиб борилиб, танланган мавзуларнинг аҳамиятли бўлишини таъминлаш ва самарали якунлаш йўлида муҳим тадбирлар белгиланди. Студентлар илмий-тадқиқотлари бўйича республика кенгашининг фаолияти ҳам эътиборни ўзига тортади.

Ҳозир Тошкент шаҳри ва пойтахт областидаги мавжуд олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида таҳсил кўраётган деярли ҳар икки студентдан бири шу кенгашга жалб этилган.

Бошланган иш яхши натижалар бера бошлади. Кейинги беш йил мобайнида ижодкор студентлар томонидан халқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган қатор муаммолар ижобий ҳал этилди. Давлат бюджети ва хўжалик шартномаси бўйича тадқиқотлар олиб бораётган ёшлар сони икки баробарга ортди.

Бу ва шунга ўхшаш бошқа тадбирлар туфайли институтлар ҳам, ижодкор студентлар ҳам кўп нарса ютдилар. Кўрилган иқтисодий фойда ҳисобига олий ўқув юртларининг ўқув-моддий базалари мустаҳкамланди. Маблағларнинг бир қисми тадқиқотчи ёшларни мукофотлаш учун сарфланди. Студент ўз илмий иши самарасидан беҳад шод бўлганини айтмайсизми?! Бу ҳол уни навбатдаги янги изланишга, муҳимроқ тадқиқотга ундайди, албатта!

Мана бир мисол. Тошкент политехника институтидаги таржима-технология бюросида бурноғи йили ўндан ортиқ мавзу ишлаб чиқилган эди. Изланишлар кузатилганидан ҳам зиёда бўлди. Бундан илҳомланган ёш ижодкорлар ўз устиларида янада пухтароқ иш олиб бордилар. Бажарилган тўртта йирик тадқиқот ўзига кенг йўл топди. Бунинг эвазига 60 минг сўмлик фойда кўрилди.

Студентлар яратган бу асбоб-ускуналар эндиликда ишлаб чиқаришда муваффақиятли қўлланилмоқда ҳамда йилига бир миллион 600 сўмлик фойда бермоқда.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ: ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

Эндиликда Тошкент халқ хўжалиги институтининг «Иқтисодий анализлар бюроси», Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Моделлар уйи», Тошкент электротехника алоқа институтининг «Студентлар конструкторлик бюроси» ҳам самарали ишлайдиган бўлиб қолди.

Бундай ижобий ҳолни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Олий ўқув юртининг студентлар илмий жамиятига ҳозир беш мингдан ортиқ студент актив қатнашаяпти. Шу 2—3 йил ичида 720 дан ортиқ диплом лойиҳалари ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия қилинди. Ёш ижодкор А. Усмоновнинг автоматлаштиришни таксимлаш системаси бўйича тайёрлаган индикатори энг яхши диплом лойиҳаси сифатида Бутуниттифоқ конкурсига тақдим қилиниб ҳамда олтин медаль билан тақдирланди. Мутахассис олимларнинг таҳсинига сазовор бўлган бу лойиҳа ишлаб чиқаришда қўлланилмоқда.

Бўлажак ирригатор инженерлар республикамиздаги техника олий ўқув юртлари бўйича ўтказилган математика олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, институтларига катта обрў келтирдилар. «Гидротехника иншоатлари» кафедрасида амалга оширилган студентлар лойиҳаларидан бири гидроузел қурилишига бағишланди. Ундан Андижон сув омбори гидроузелида ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Ёқилғини кўплаб тежаш имконини берувчи янги метод ҳам шу институт студентлари томонидан ишлаб чиқилди. «Д-65 ЛС» дизели иш режими бўйича тавсия этилган бу қулай усулни «Э-32—11» маркали экскаваторига ҳам жорий этиш мумкин.

Умуман, олий ўқув юртида студентлар илмий изланишларга кенг жалб этилган. Қишлоқ хўжалиги фанини янада ривожлантириш ҳамда унинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш йўлида бу ерда тайёрланган перспектив илмий-тадқиқотлар планини амалга оширишда ёш ирригаторларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бўлади. Айниқса, пахтачиликни комплекс механизациялашда қўлланиладиган машиналарнинг янги схемаларини тайёрлаш, машина-трактор парклариннг оптимал составини аниқлаш, ер ости сувларининг оқимини ўрганиш борасида олиб бориладиган тадқиқотларга студентлар яқиндан жалб этилади.

Студентларнинг илмий-тадқиқотлари бўйича республика кенгаши ижодкор ёшлар билан яқиндан иш олиб бораётир. Белгиланган турли илмий тадбирлар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

А. АЛИЕВ.

Реклама ва эълонлар

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

қолипчилар, йўнувчилар, йиғувчи-слесарлар, ремонтчилар, асбобсозлар, электр-газ пайвандчилар, электр пайвандчилар, фрезерчилар, токарлар, автоматчи-токарлар, сирловчилар, силиқловчилар, темирчилар, штамповкачилар, электр монтёрлар

КЕРАК

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУЙБИШЕВ ОШХОНАЛАР ТРЕСТИГА

сотувчилар, сотувчи-буфетчилар, уборщицалар, ошхона ишчилари, ошпазларга шогирдлар

КЕРАК

ТОШКЕНТ «МИКОНД» ЗАВОДИГА

токарлар, электромонтёрлар, штамповкачилар, штампларни созловчи слесарлар, омбор мудирлари, транспорт ишчилари, БОХР стрелкачилари, турли касбларга ўқитиш учун Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган ёшлар

КЕРАК

ТОШКЕНТ ХИМИЯ-ФАРМАЦЕВТИКА ЗАВОДИГА

бош бухгалтер ўринбосари, катта бухгалтерлар ва ҳисобкитоб бўлими бухгалтерлари, қадоқловчилар, упаковка қилувчилар, уборщицалар, автопогрузчик ҳайдовчиси

КЕРАК

«УЧҚУН» ФИРМАСИГА

моторист-тикувчилар, расм танловчилар, бош бухгалтер, химик-технолог, товаршунослар, уборщицалар, электромонтёрлар

КЕРАК

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4, 3-подъезд, 5-хона — марказий пункт ва район ишга жойлаштириш пунктлари.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ИЗЧИЛ ПОЗИЦИЯ

ДАМАШҚ, 27 апрель. (ТАСС). Фаластин Озодлик миллий фронтининг бош секретари Н. Хаватма япон журналистлари билан суҳбатда бундай деди: Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этишнинг асосий жиҳатлари хусусида СССР билан АҚШ позициялари бир-биридан мутлақо фарқ қилади. Совет Иттифоқи Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган ҳамма араб ерларидан чиқартириб юборишни қатъий талаб қилмоқда, деб таъкидлади Фаластин раҳбари. АҚШ эса, Исроил учун «ҳимоя қилинадиган» чегаралар яратиш зарурлиги тўғрисида гап-сўзларни ниқоб қилиб, аслида араб ерларининг бундан буён ҳам мустамлакага айлантирилиши тарафдори бўлиб турибди.

Сўнгра Н. Хаватма шуни таъкидладики, СССР фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари қайта тикланишини, шу жумладан мустақил Фаластин давлати барпо этилишини, шунингдек Фаластин озодлик ташкилотига Женева конференциясида ва Фаластин проблемаси муҳокама этиладиган бошқа халқаро анжуманларда барча қатнашчилар билан теппа-тенг ҳуқуқ асосида ва аввал бошданоқ қатнашиш ҳуқуқи берилишини изчиллик билан талаб қилмоқда.

ҚОТИЛЛАРНИ ЯШИРМОҚДАЛАР

ЛОНДОН, 27 апрель. (ТАСС). Шимолий Ирландиянинг илғор сиёсий арбоблари ва демократик жамоатчилиги ирландияликларни ўлдиришда айбдор бўлган британ солдатларни жазоланишини талаб қилмоқдалар. Ольстер лейбористик социал-демократик партиясининг раҳбари, парламент аъзоси Ж. Фитт Белфастда сўзлаган нутқида, башарти, Англия ҳукумати «хавфсизлик кучлари»нинг махсус бўлинмалари деб аталган ва 17 яшар Лео Норней исмли йигитни атайлаб ўлдиришда гуноҳкор бўлган «қора соқчи» аъзоларини судга тортмайдиган бўлса, мен умум палатасида қотилларнинг номларини бирма-бир айтиб бераман ва шу масала юзасидан навбатдан ташқари муҳозара ўтказилишини талаб қиламан, деб огоҳлантирди.

Бироқ Англия ва Ирландия илғор жамоатчилигининг Ольстердаги қотилликларда ва одамларни қийноққа солишда айбдор бўлганларни жазобарликка тортиш тўғрисидаги талабларини расмий Лондон ҳамон бажармаётир. Лондон маъмурияти бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш тўғрисида гап борганида ўзини «гражданлик ҳуқуқларининг ҳимоячиси» қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Европа судининг Страсбургдаги мажлисида Ирландия Республикасининг Ольстерда инсон ҳуқуқлари доимо бузиб келинаётганлиги тўғрисидаги шикояти кўриб чиқилган пайтда Англия вакиллари тутган позиция ана шундан далолат беради. Англия вакиллари ҳарбий ва полиция либосидаги жиноятчиларни жазолаш имкониятини яна қатъиян рад қилдилар.

ИҒВОГАРЛАРГА ЗАРБА

ПАРИЖ, 27 апрель. (ТАСС). Парижнинг конгресслар саройи залида ССР Иттифоқи Большой театри балет труппасининг якунловчи спектакли давом этаётган бир пайтда бир неча ўн сионист газанда шу залга суқулиб кирди. Улар танафус пайтида Советларга қарши варақалар тарқатишга, томошани барбод қилиш учун жанжал чиқаришга уриниб кўрдилар.

Сионистларнинг безорилигига қаттиқ зарба берилди. Ғазабланган томошабинлар тартиб сақлаш ходимлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, безориларни бинодан ҳайдаб чиқардилар. Спектакль яна бошланганида, томошабинлар иғвогарликни қоралаш белгиси сифатида совет артистларини давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

МИСР БИЛАН СУДАН ЎРТАСИДАГИ ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК

ҚОҲИРА. (ТАСС). Бу ерда Миср ва Судан бирлашган штабининг кенгаши ўз ишини тамомлади. Кенгашда иккала мамлакат бош штабларининг бошлиқлари қатнашдилар. Кенгаш давомида ўтган йил июль ойида тузилган биргаликда мудофаа тўғрисидаги шартнома доирасида Миср билан Суданнинг ҳарбий ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Миср армияси бош штабининг бошлиғи Али Фаҳмий кенгаш якунларига тўхталиб, музокаралар кун тартибида, жумладан Қизил денгиз районида Миср билан Суданнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш масаласи турганлигини айтди.

АДДИС-АБЕБА. (ТАСС). Эфиопия информация ва миллий ориентация министрлигининг вакили Миср билан Судан бош штаблари бошлиқларининг Қоҳирадаги кенгаши «Судан режимининг рўйирост ҳарбий интервенциясини кучайтиришга қаратилган», деб айтди. Уларнинг Эфиопияга ва Ангола революцион ҳукуматига қарши олиб бораётган ҳозирги кампаниясидан мақсад Африканинг ҳалқаро империализм раҳбарлигида заифлаштиришдан иборатдир.

Бруклин — АҚШ пойтахти Нью-Йоркнинг камбағаллар яшайдиган районларидан биридир. Бу ердаги аҳоли ана шундай хароба уйларда ночор яшашади. Уларнинг кўпчилиги йиллар давомида иш тополмай, оворасарсон.

ТАСС фотохроникаси.

ТАБИАТШУНОС ЕН ДАФТАРИДАН

САДОҚАТЛИ «Д Ў С Т»

КЕЧКИ ПАЙТ. Ака-ука Юра ва Андрюшалар мактабдан қайтиб келишаётган эди. Уларнинг нигоҳи девор тагида бир бурчакда жунжикиб ётган, ҳали кўзлари ҳам очилмаган кучук боласига тушиб қолди.

— Вой, бунчаям чиройли, кичкинагина-я, — йўқотган нарсасини топиб олгандек қичқириб юборди Андрюша.

— Уйга олиб кетамиз!

— Майли, — деди Юра. Андрюша қўлидаги папкасини акасига берди-да, кучукчани авайлаб кўтариб олди.

Шу кундан бошлаб Найда (кучук боласига шундай деб ном беришди) Милаевлар хонадонида қолди. Болалар уни меҳр билан авайлаб, ўстира бошладилар. Найда болаларга шунчалик «меҳрибон» бўлиб қолдики, уларнинг мактабдан келишини пойлаб, эшик олдида кутиб турарди. Ака-укалар уни хилма-хил машқларга ҳам ўргатишди. Бу ўйинлар айниқса, кичкина Андрюшага хуш ёқарди. Кунлардан бирида Андрюша Толарик канали бўйида ўйнаб юрари. Найда ҳам ҳар галгидек у билан бирга. Қизил қанотли чиройли капалак ортидан қувишга берилиб кетган бола бирданига қоқилиб, сувга йиқилди. Эс-хушини йиғиштириб олгунча бўлмай тезоқар анҳор уни оқизиб кета бошлади.

— Ёрдам беринглар, ёрдам беринглар, — деб бир-икки бор қичқира олди бола.

Лекин бу яқин ўртада ҳеч ким йўқ эди. Буни қарангки, зийрак Найда эгасининг аҳволини кўриб, ўзини сувга отди. Андрюшани қўйлагидан тишлаб, қирғоққа судраб чиқди. Бироздан сўнг Андрюша ўзига келиб, нима воқеа бўлганлигини англади. Найда эса унинг олдида думини ликиллатиб, эгасининнинг кўзларига тикилиб турарди. Андрюша садоқатли дўстининг бўйнидан қучоқлаб эркалади...

Мана, тошкентлик Минаевлар хонадонига Найданинг келганига беш йилдан ошди. У шу хонадоннинг ҳар бир аъзосига қадрдон бўлиб қолди.

Е. УРМОНОВ,
А. САЛИМОВ.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 1 Майда чиқади).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — **Олий мақсад сари** (бадиий фильм, 2-серия). 11.45 — «Дўстлик қўшиқлари». 12.45 — **Миллионча ленинча университети.** 16.00 — Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.45 — **Мишка Стрекатчевнинг ғаройиб саргузаштлари** (бадиий фильм). 18.05 — Москва ва москваликлар. 18.35 — Болалар учун концерт. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.10 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.20 — Мамлакат Май арафасида. 20.05 — Санъат усталарининг концерти. 21.00 — Бизнинг биография. — 1943 йил. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Хоккей:** ЧССР — СССР. 00.15 — Концерт. 00.45 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — Адабиёт. 18.30 — Болалар учун фильмлар. 19.15 — Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — **«Оламга саёҳат».** 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Ўзбекистон телевиденеси ва радиосининг эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 22.00 — **«Вақт».** (Москва). 22.30 — Нозиъемат бунёдкорлари. 22.45 — **«Она»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.20 — **Елғиз ўзи қувлади** (бадиий фильм, 2-серия). 20.40 — **Янгиликлар.** 20.55 — Ҳужжатли фильм. 21.20 — **«Салом баҳор».** Музиқали адабий композиция. 21.50 — Физика.

30 апрель, шанба

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — АБВГДейка. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — Музиқали программа. 12.05 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.35 — Третьяков галереясининг шоҳ асарлари. 12.55 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.25 — Концерт. 14.05 — Сиз бунга қодирсиз. 15.05 — **Спортлото.** 15.15 — **Улиқ малика ва етти баҳодир ҳақида эртак** (мультфильм). 16.15 — **«Здоровье».** 16.45 — Концерт. 17.30 — **Жанубий Вьетнам тўла озод этилганлигининг икки йиллигига.** 18.15 — Концерт. 19.00 — **Янгиликлар.** 19.10 — **Мультфильм.** 19.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 20.20 — Дўстларимиз овози (концерт). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 **Хоккей:** Швеция — ЧССР. Танаффус пайтида янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20 — Куйлаг, ёш хонандалар 10.50 — Телеминиатюралар. 11.40 — «Май гуллари». 12.10 — **Бошсиз чавандоз** (бадиий фильм). 13.50 — Мушоира этади давом. 14.20 — «Светофор». 15.20 — **Тошкент байрам арафасида.** 17.55 — Концерт. 18.55 — Меҳнат рапортларини қабул эт — 1 Май. 19.15 — **«Ялла» вокал-чолғу ансамблининг концерти.** 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — **«Қизлар давраси».** 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — **Отажон Худойшукуров концерти.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — «Соқоқ хотин» (телетеатр).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 29 IV да **Кор-сар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29 IV да **Йиллар ўтиб,** 30 IV да **Гулбаҳор қани?**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30 IV да **Кўзнигни каттароқ оч** (билетлар сотилган).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **дунёда ягона лилипутлар ревюси иштирокида Москва цирки артистларининг гастроллари** (19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Восмачини ўлдир** (катта зал), **Есения** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Восмачини ўлдир — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Тонгдаги қочиш — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Қўшиқнинг саргузашти — «ИСКРА» (20.00).

Тошкент область ижроия комитети аппаратининг коллективи бўлим мудири Э. И. Ганиевага онаси **Софья Вартазаровна БОЗУНЦЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р. 01366. Ўзбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1614.